



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил “ 8 ” сентябр № 1069 Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги “Катли” маҳалласи ҳудудидан кичик саноат зонасини ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосасини ва шу юзадан тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”нинг 6,20,29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Янгибозор туманидаги “Катли” маҳалласи ҳудудининг №09-контурида жойлашган 9,0 гектар ер майдони кичик саноат зонасини ташкил қилиш учун ажратилсин.
3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (О.Давлетов)га:
- Кичик саноат зонасини ташкил қилиш учун ажратиб берилган 9,0 гектар ер майдонини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.
4. Янгибозор туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га туман ер балансига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.
5. Янгибозор туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Ўразбаев) ер участкалари бўйича белгиланган тартибда солиқ ундириш чораларини белгиласин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Янгибозор туман ҳокимининг инвестиция масалалари бўйича ўринбосари А.Машарипов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў.Курбанов